ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017. Ғ.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХУЖАМКУЛОВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК: 17.022:323(575.1)

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Юлдашева Фарида Хужамкуловна
Ўзбекистонда глобаллашув шароитида маънавий янгиланишнинг ўзига хос хусусиятлари.....3

Юлдашева Фарида Хужамкуловна
Особенности духовного обновления в Узбекистане в условиях глобализации...32

Yuldasheva Farida Xujamkulovna
Features of spiritual renewal in Uzbekistan in the context of globalization…….63

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....66

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017. Ғ.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХУЖАМКУЛОВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1-DS/Fal.32 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa.nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Бегматов Абдуллажон Сирожиддинович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тўйчиев Бердиқул Тўрақулович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Алиев Бекдавлат Алиевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент кимё технологиялари институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 1-қават, 117-хона.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган.). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «____»_____да тарқатилди.
(2019 йил «____» _____ даги____рақамли реестр баённомаси.)

И.Р. Хужамуродов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Д.Э.Файзиходжаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, ф.ф.д., доцент

Ж.С. Раматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Инсоният ҳозирги тараққиётининг муҳим атрибутларидан бири глобаллашувдир. Бугун дунё ягона ва улкан, муттасил ўзгариб турган динамик глобал тизимни ташкил этмоқда ва бу тизимдан ташқарида бирор мамлакат ёки миллат қолмади. XXI асрда глобаллашув инсоният ижтимоий интеграциясининг янги босқичи сифатида намоён бўлмоқда. Дунё ҳамжамияти ўз тараққиётида бир-бири билан бунчалик кучли боғланмаган ва бир бутунликка интилмаган эди. Бундай боғланиш, бир томондан, жамият тараққиёти учун кенг имкониятлар яратаётган бўлса, иккинчи томондан, мазкур объектив жараёнга субъектларнинг аралашуви оқибатида миллатларнинг мустақиллиги, тарихий қадриятлари, маданий-маънавий идентификациясини сақлаб қолиши борасида бир қатор муаммолар юзага чиқмоқда.

Жаҳонда амалга оширилаётган илмий-фалсафий тадқиқотларда глобаллашувнинг моҳияти, тенденциялари, миллатларнинг ижтимоий-маданий ҳаётига зиддиятли таъсирини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш долзарб бўлиб қолмоқда. Шунга кўра, субъектлар учун глобаллашув шароитида яшаш ва унда фаол иштирок этишнинг миллий манфаатларга мос келувчи йўлларини, жамиятнинг глобаллашув чақириқларига иқтисодий-сиёсий, маданий-маънавий янгиланиш орқали жавоб бера олишини фалсафий тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳонда ва Марказий Осиё ижтимоий-маданий маконида ўзини намоён эта олиши унинг глобаллашув, демократлашув, модернизация ва инновация жараёнларида фаол иштирокини тақозо этади. Глобаллашув шароитида миллат манфаатларини ҳимоя қилишнинг стратегик йўли жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маънавий янгиланишидан иборат. Янгиланиш жараёни жамиятдан глобаллашувга қўшилишнинг прогрессив миллий механизмларини ишлаб чиқиш, унинг имкониятларидан прагматик фойдаланиш, глобаллашувнинг динамикаси ва тенденцияларига мослашиб бориш ва салбий оқибатларига қарши кураша олиш потенциалини юзага чиқаришни тақозо этади. Жамият тараққиётининг эҳтиёжлари иқтисодий ислоҳотларни, миллий қадриятларни инновацион тараққиёт билан уйғунлашувини, моддий бойликлар яратишга қаратилган фаолиятнинг маънавий қўллаб-қувватланишини талаб қилади. Бу нуқтаи назардан глобаллашув шароитида жамиятнинг устувор йўналишлари иқтисодий ва сиёсий соҳалар билан бир қаторда маънавият соҳасининг янгиланишини ўрганиш назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли Қарори, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сонли Қарори, 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106 - сонли Фармони,

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 22 декабрь ва 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномалари, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[1].

Глобаллашувнинг динамикаси ва тенденциялари, унинг маданият ва маънавият соҳасига таъсири, глобаллашиб бораётган дунёни иқтисодий ва сиёсий бошқариш масалаларининг муайян жиҳатлари бўйича илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан, Club of Rome (Италия), Councel of Foreign Relations - CFO (АҚШ), Bilderberg club - BC (АҚШ), Trilateral Commission – TC (АҚШ), English Reynsian School (Англия), Independent Center for Globalization Studies (АҚШ), Center of Globalization and Strategy (АҚШ), Association internationale pour la Pensee Complex (Франция), Center globalization Copenhagen institute for Futurre Studies (Дания), Internationale Forum of Globalization, Internationale laboratory of Political demography and macrosociology (Россия), Институт исследования современных глобальных проблем (Россия), Институт стабильного развития (Россия), Лаборатория мониторинга рисков социально-политической дестабилизации (Россия), Центр исследования интеграции социально-культурного сотрудничества и глобализации (Белоруссия)да олиб борилмоқда.

Глобаллашув фалсафаси, тенденциялари ва динамикаси, маданий ва маънавий тараққиётга таъсири, глобаллашув шароитида қадриятлар трансформацияси мавзуларига оид жаҳонда амалга оширилаётган тадқиқотлар натижасида, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: XXI аср жамияти маданий хусусиятларининг глобаллашув контекстида прогнозлари асослаб берилган (Center globalization Copenhagen institute for Futurre Studies, Дания); маданий глобаллашувнинг мондиалистик (сунъий глобаллашувга қарши чиқувчи ва анъанавийлик, ўзига хосликни сақлашга интилувчи) назариялари ишлаб чиқилган (Bilderberg club, АҚШ); глобаллашувнинг АҚШ модели барча давлатлар интилувчи демократик модель сифатида АҚШ тимсолида талқин этилади (Trilateral Commission, АҚШ); глобаллашув шароитида маданиятлар ва цивилизациялар диалоги,

[1] https://www.bilderbergmeetings.org/; https://www.cfr.org/; http://trilateral.org/; https://www.globalresearch.ca/; http://www.ras.ru/; https://www.msu.ru/; https://piie.com/about-piie; https://www.cfr.org/ ru/youthink/globalization.shtm; https://www.socionauki.ru /journal/articles/130854; https://www.uz.undp.org; https://www.pjie.com/vicrosites/globalization/what-is-globalization.html; https://www.blomberg.com/graphics/2019-globalization/.

қадриятлар трансформацияси (миллий қадриятларнинг ўзгариши, турли маданиятларнинг яқинлашуви) (Москва давлат университети Глобалистика факультети илмий тадқиқот маркази ва ЮНЕСКО «Фалсафа ва маданиятлар диалоги» кафедраси, Россия); ижтимоий-маданий интеграция натижасида маданият ва минтақавий глобаллашув шароитида миллий қадриятлар ва анъаналар ривожланишини прогнозлаштириш (Центр исследования интеграции социально-культурного сотрудничества и глобализации, Белоруссия); замонавий глобал жараёнлар тенденциялари ва динамикаси таҳлил этилган (Чумаков А.Н. мактаби, Россия); глобаллашув ва цивилизация ўзаро таъсири масалалари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган (Василенко И.А. мактаби, Россия); глобаллашувнинг шахс тараққиёти ва маънавиятига таъсири масалалари тадқиқ этилган (Антропология жамияти, Ўзбекистон).

Дунёда глобаллашувнинг моҳияти, глобаллашув шароитида ижтимоий - маданий ва маънавий тараққиётнинг тенденциялари бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: глобаллашувнинг замонавий шакллари ва уларнинг ўзгариб бориши (иқтисодий, геосиёсий, маданий, маънавий-ахлоқий, илмий-технологик, коммуникатив, ахборот ва тил), маданий ва маънавий глобаллашувнинг тенденциялари, минтақавий интеграция динамикаси, маданиятлар ва цивилизациялар диалоги, маданий глобаллашув шароитида шахс хусусиятларининг ўзгариши, миллий қадриятлар трансформацияси (миллий қадриятларнинг замонавийлашуви ва рационаллашуви, миллий хусусиятларнинг камайиб бориши), глобал ахборот ва коммуникация, глобал хавф-хатарларга қарши кураш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсоният ҳаётининг умумий боғланганлиги ва бир бутунликдан иборатлиги тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар қадимги юнонларнинг фалсафий таълимотларидаёқ ўз аксини топган: Гераклитнинг объектив қонуниятларга бўйсунувчи ва доим олов сингари ҳаракатда бўлувчи ягона олам, Полибийнинг тарихий жараённинг ягона ва умумийлиги тўғрисида «Умумий тарих» асарида акс этган қарашларидаёқ глобаллашув жараёни тўғрисида дастлабки фикрлар пайдо бўлган, деб айтиш мумкин. Жаҳон динларининг ривожланиши натижасида умумбашарий ахлоқий тамойиллар пайдо бўлиши глобал маданият ва маънавиятнинг юзага келишини англаш учун қулай имкониятлар яратди.

Шарқ Уйғониш даврида Ибн Синонинг ақл, қалб ва жисмларни келтириб чиқарувчи ягоналик, Ибн ал Арабийнинг ягона дунё назарияси, Ибн Боджанинг инсонни умумий ақл билан бирлашиши натижасида бахтга эришиши мумкинлиги эътироф этилган таълимотлари мантиқий жиҳатдан дунё тарихининг ягоналиги ва унинг асосида кишилар ҳаёти, турмуш тарзи ва маданий ҳаётининг умумийлигини ифода этади. Ягона тарих ва унинг қонуниятларини Ибн Халдун цивилизация (умрон), яъни кишилар ва авлодларнинг ҳаёт фаолияти жараёни билан боғлайди. Унинг фикрича, тарих авлодлар алмашинуви ҳамда цивилизацияларнинг юксалиши ва пасайишида акс этадиган нотекис чизиқли қонуний жараён, цивилизациялар инсон ҳаёти,

турмуш тарзини тубдан ўзгартиради ва такомиллашганлик даражаси билан фарқланади[1].

Ғарбдаги Ренессанс даврида француз назариётчиси Жан Боденнинг суверенитет, хусусий мулк ва халқларнинг турфалиги ҳақидаги «Еттовлон суҳбати», «Республика тўғрисида етти китоб», Томас Морнинг «Утопия», Томмазо Кампанелланинг «Қуёш шаҳри» асарларида ҳам ягона тарих, инсониятнинг бирлашуви натижасидаги умумий маданий-маънавий тараққиёти тўғрисидаги фикрлар айтилган.Тарихий жараённинг диалектикага асосланган фалсафий назариясини яратган немис мутафаккири Гегель мантиқий триада (тезис – антитезис – синтез) асосида тарихни умумий тарих сифатида ифода этган.

О.Шпенглернинг «Европа қуёшининг сўниши», А.Тойнбининг «Тарихни тадқиқ этиш» асарида ягона тарих цивилизациялар ва уларнинг алмашинуви сифатида талқин этилади. К.Ясперснинг фикрича, турли миллатлар ва мамлакатлар тарихи ўзига хос бўлса-да, инсониятнинг манбаи, келиб чиқиши ва мақсадлари умумийлиги сабабли тарихи ҳам ягона.

Глобаллашув муаммоси Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавият, мафкура, ёшлар тарбияси, миллий ўзликни англаш, миллий маънавиятни ҳимоя қилиш масалалари контекстида тадқиқ этилган. Глобаллашув масалалари Ўзбекистон олимларидан М.Абдуллаева, А.Бегматов, Г.Маҳмудова, С.Отамуратов, Б.Тўйчиев, Н.Шермуҳамедова, Б.Умаровлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўрганилган. Глобаллашув шароитида маънавият масалалари, маънавий қадриятлар ва маънавий янгиланишнинг хусусиятлари мустақилликнинг дастлабки йилларида Т.Маҳмудов, Ж.Туленов, С.Шермуҳамедов, А.Ҳафизов, И.Хужамуродов, И.Эргашев, Э.Юсупов каби атоқли олимлар томонидан ўрганилган бўлса, ҳозирда маънавий янгиланишнинг турли жиҳатлари Б.Алиев, С.Бердиқулов, Д.Норқулов, А.Умаров, Э.М.Иззетова, Ш.Мадаева, С.Мамашокиров, А.Муминов, А.Мухторов, Қ.Назаров, Ж.Раматов, Г.Рузматова, И.Соифназаров, К.Туленова, А.Эркаев, М.Қаҳҳорова, А.Қодиров, Х.Ҳайдаров ва бошқалар томонидан тадқиқ этилмоқда[2].

Хусусан, профессор С.Отамуратов глобаллашув ва миллат, миллий ўзликни англаш, А.Бегматов глобаллашув шароитида маънавий тараққиёт ва маънавий тарбия, А.Эркаев маънавий тараққиёт қонуниятлари, А.Қодиров модернизациянинг хусусиятлари, З.Қодирова глобаллашув ва толерантлик, Н.Шермуҳамедова глобаллашувнинг илмий-методологик жиҳатлари, Б.Умаров глобаллашув зиддиятлари, У Саидов ва бошқалар Шарқ ва Ғарб диалоги каби масалаларни тадқиқ этганлар[3].

---

[1]Очерки истории арабской культуры V-XV в.в. Главная редакция восточной литературы.-Москва: Наука, 1982. –С.323.

[2]Мазкур олимларнинг асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

[3]Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фавлсафий тизимнинг яратилиши. -Тошкент: Шарқ, 2000; Маънавият фалсафаси. 2-китоб.-Тошкент, 2006; Маънавий тарбия. -Тошкент.: Akademiya, 2006; Соифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. -Тошкент: Шарқ, 2001; Умаров Б., Жаббаров Ш. Глобаллашув шароитида маънавий тарбия муаммолари. -Тошкент.: Akademiya,

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда модернизация жараёнлари ва ёшларда инновацион онг шаклланишини амалий тадқиқ этиш» (2015-2017) мавзусидаги илмий – амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глобаллашув шароитида Ўзбекистонда маънавий янгиланишнинг ўзига хос хусусиятларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

глобаллашув ва маънавий янгиланишнинг таърифини аниқлаштириш ва глобаллашувнинг жамият ижтимоий-маънавий тараққиётига зиддиятли таъсирини кўрсатиб бериш;

маънавий янгиланишни Ўзбекистонда глобаллашув шароитида маънавий барқарорликни сақлашнинг муҳим омили сифатида асослаб бериш;

маънавиятнинг изчил, барқарор, нисбатан консерватив ва аксинча, глобаллашувнинг демократик, ўзгарувчан, динамик моҳиятини ва бу зиддиятни ҳал этишда маънавий янгиланишнинг ролини очиб бериш;

миллий маънавиятнинг рационаллашув ва демократлашув хусусиятини, глобал маънавиятнинг интегратив хусусиятини ҳамда моҳияти турлича бўлган бу икки маънавиятнинг уйғунлашуви заруратини асослаб бериш;

маънавий янгиланиш ёшлар интеллектуал ва маънавий салоҳиятининг ривожланиши ва юзага чиқишининг омили эканлигини исботлаб бериш;

глобаллашув ёшлар онгида инновацион тафаккур, креативлик, фаол ҳаётий позиция, ташаббускорлик ва ижтимоий шериклик дунёқарашини шакллантиришини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини глобаллашув ва маънавий янгиланиш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети глобаллашув шароитида маънавий янгиланиш жараёнини белгилаб берувчи омиллардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда диалектик, тарихийлик, тизимли, умумлаштириш, солиштириш каби илмий билиш усулларидан ва объективлик, синергетик каби ёндашувлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

глобаллашув ва маънавий янгиланишнинг аниқлаштирилган таърифи келтирилган, глобаллашувнинг моҳияти ва уни жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётига зиддиятли таъсири кўрсатиб берилган;

2011; Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси.-Тошкент.: Akademiya, 2006; Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик (сиёсий-фалсафий таҳлил).-Тошкент: Ўзбекистон, 2013; Глобаллашув:миллатни асраш масъулияти (сиёсий-фалсафий қирралари).-Тошкент: Ozbekiston, 2018; Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. –Тошкент: Akademiya, 2006; Эркаев А. Дузовность-энергия независимости. – Тошкент: Маънавият, 1998; Тафаккур эркинлиги -Тошкент: Маънавият, 2007; Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси.-Тошкент:ТДЮИ, 2006; Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар.-Тошкент: Akademiya, 2007.

Ўзбекистонда маънавий барқарорликни сақловчи ва глобаллашувнинг салбий таъсирига жавоб берувчи диалектик жараён сифатида маънавий янгиланишнинг зарурати илмий асослаб берилган;

маънавият изчил, барқарор, қисман консерватив (дин), глобаллашув демократик ва динамик жараёнлиги, маънавий янгиланиш бу зиддиятни ҳал этишнинг устувор йўналиши эканлиги очиб берилган;

миллий маънавиятнинг рационаллашув ва демократлашув хусусиятини, глобал маънавиятнинг интегратив хусусиятини ҳамда моҳияти турлича бўлган бу икки маънавиятнинг уйғунлашуви зарурати асослаб берилган;

маънавий янгиланиш ёшлар салоҳиятини (интеллектуал, маънавий) ривожлантириш ва юзага чиқаришнинг омили эканлиги, глобаллашув ёшлар онгида инновацион тафаккурни (креативлик, танқидий таҳлил, ташаббускорлик, фаол ҳаётий позиция, ижтимоий шериклик) шакллантириши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

глобаллашувнинг зиддиятли таъсири шароитида мамлакатимизнинг глобаллашув жараёнида фаол иштироки зарурати, глобаллашув ва маънавий янгиланишнинг диалектик боғлиқлиги кўрсатиб берилди;

маънавий янгиланиш глобаллашувнинг имкониятларидан фойдаланиш, уларга мослашиш ва салбий оқибатларига қарши курашишнинг зарур омили эканлиги, миллий ва глобал маънавият уйғунлигини таъминлашнинг механизмлари ишлаб чиқилди;

миллий манфаатларимиз асосида глобаллашув, минтақавий интеграция имкониятларидан прагматик тарзда фойдаланиш орқали давлатимизнинг глобаллашув жараёнларида фаол иштироки зарурати асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналлар ва хорижий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография, ўқув қўлланма, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, глобаллашув ва глобаллашув шароитида жамиятнинг маданий-маънавий тараққиёт билан боғлиқ бўлган муаммоларни таҳлил этишда муайян даражада хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, диссертациянинг амалий тавсия ва хулосалари Ўзбекистонда глобаллашув шароитида жамиятни маънавий янгиланиш жараёнида бажариладиган ишлар тизимида фойдаланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда маънавий янгиланишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш асосида:

«маънавий янгиланиш» категориясининг аниқлаштирилган ва тўлдирилган таърифидан, «глобаллашувнинг моҳияти ва зиддиятлари, глобаллашув жараёнларининг Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётига таъсири» ҳақидаги муаллифлик хулосаларидан Маданий антропология жамиятида Давлат илмий-техника дастури доирасида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-068 рақамли «Ижтимоий шерикликнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўрни ва роли» мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар қўмитасининг 2017 йил, 28 декабрдаги ФТА-06-11/1676-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари, хулоса ва тавсияларидан фойдаланиш ижтимоий шериклик шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини тўлароқ ёритиш имконини берган;

«маънавий янгиланиш маънавиятни глобаллашувнинг зиддиятли таъсирига жавоби бўлиб, бу диалектик жараён, маънавиятни ижтимоий, маданий, тил каби генетик хусусиятлари орқали емирилишдан сақлаб қолиши» ҳақидаги илгари сурилган таклифлар ва тавсиялар Республика маънавият ва маърифат марказининг ҳудудий бўлимлари ва бўлинмалари томонидан ўтказилаётган маънавий тарғибот ишларида қўлланилмоқда. Республика маънавият ва маърифат маркази фаолиятида, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПК- 4307-сон Қарор дастурининг V боб «Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот тадбирлари» 35-банди асосида «Жамиятда диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий профилактика механизмларини такомиллаштириш мавзусида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш»да фойдаланилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Қарорининг 1-2 бандларида кўрсатилган вазифаларни ҳаётга татбиқ қилишда амалий таклифлардан фойдаланишни назарда тутади. (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 05 июлдаги 02/09-904-19-сон маълумотномаси). Диссертация ғоялари бу соҳадаги ишларни амалга оширишда назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда;

«маънавият изчил, нисбатан консерватив, барқарор ва идеаллари абадий, глобаллашув демократик, ўзгарувчан, иқтисодий асосга эга бўлган динамик жараён, маънавий янгиланиш бу зиддиятни ҳал этишнинг стратегик йўли эканлиги» тўғрисидаги ғояларидан Россия Фундаментал тадқиқотлар жамғармаси кўмагида Россия Федерацияси Курск давлат университетининг социологик илмий-тадқиқот лабораториясида 2018 йилда ф.ф.д., проф Когай Е.А. раҳбарлигида бажарилган 18-01 1-00739 рақамли «Россия макроминтақасининг ривожланишини стратегик режалаштиришнинг ижтимоий-маданий асослари (Марказий Қора тупроқ ҳудуди мисолида)» мавзуидаги илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Россия Федерацияси Курск давлат университетининг 2019 йил 22 апрелдаги

179-02-сон маълумотномаси). Диссертация ғоялари лойиҳа натижаларини амалга оширишда назарий тавсия сифатида қўлланилган;

«демократия маънавиятга асосланиши ва маънавиятнинг илм-фан ва инновациялар тараққиёти натижасида рационаллашуви ва демократлашиб бориши, глобал маънавиятнинг интегратив хусусияти, унда турли-туманлик асосида бир хиллик акс этиши, глобал маънавиятнинг миллий ўзликни англаш, анъанавийлик, миллий қадриятларга таянган миллий маънавият билан уйғунлашувининг зарурати» тўғрисидаги фикрларидан Фарғона давлат университетида 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-099 рақамли «Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий - ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепциясининг аҳамияти» мавзусидаги амалий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 апрелдаги 19-03-1690 - сон маълумотномаси). Мазкур фикрлар жамиятда маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш ва ёшлар маънавий потенциалини ривожлантиришга қаратилган ишлар самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатган;

«маънавий янгиланиш ёшларда инновацион тафаккур, креативлик, танқидий таҳлил, яратувчанликка таянган фаол ҳаётий позицияни, ижтимоий шерикликни шакллантириши, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ривожлантириш ва реализация қилиш омили эканлиги» ва тарихий маънавий мерос ва миллий қадриятларни замонавийлик билан уйғунлаштиришнинг муҳимлиги, ёшларни касбга тайёрлашда бозор иқтисодиёти шароитида миллий касб-ҳунарлар миллий маънавий тараққиёт учун замин яратиши тўғрисидаги фикрларидан 2015-2017 йилларда АДУ да бажарилган А-1-41 рақамли «Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ўқув ишлаб чиқариш тизимида миллий анъанавий база ҳамда ушбу йўналишда таълим бериш жараёнининг амалий-услубий асосларини яратиш» мавзуидаги амалий лойиҳа доирасида яратилган ўқув услубий мажмуани ва лойиҳа доирасида нашр этилган «Ёшларни қўшимча касбга тайёрлашга анъанавий - замонавий ёндашиш» услубий қўлланмани назарий таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 16 майдаги 19-03-1690 - сон маълумотномаси). Диссертация хулосалари ёшларни касбга тайёрлаш ишларининг натижадорлигини таъминлашга қаратилган тарғибот ишларига хизмат қилган;

модернизация шароитида маънавий янгиланишнинг роли, миллий ва глобал маънавиятнинг доимий диалоги, миллий ўзликни англаш, миллий ва глобал маънавиятнинг тенденциялари, қадриятлар трансформацияси, маънавий янгиланиш жараёнида ёшларнинг ўрни ҳақидаги фикрлари ва тавсияларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил апрель ва май ойларида эфирга узатилган «Бедорлик», «Таълим ва тараққиёт», «Гулшан» эшиттиришларида мунтазам фойдаланилди ва улар учун назарий асос бўлиб хизмат қилди (Ўзбекистон миллий

телерадиокомпаниясининг 2018 йил 4 июндаги Oz\R-1-104 - сон маълумотномаси). Берилган илмий хулоса ва амалий таклифлар эшиттиришларнинг савияси ва сифатини яхшилашга самарали таъсир кўрсатган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та Халқаро фалсафа конгрессида, 6 та халқаро ва 30 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 64 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 25 та макола (шундан 9 та хорижий ва 16 та республика журналларида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 225 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асослаб берилган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Глобаллашув жараёнини ўрганишнинг назарий-услубий муаммолари**» деб номланган биринчи бобида «глобаллашув» тушунчаси тавсифланган, глобаллашувни ўрганишнинг турли концепциялари келтирилган ва глобаллашувнинг зиддиятли моҳияти таҳлил этилган.

Глобаллашув объектив тарихий тараққиёт натижасида юзага келди. Унинг илдизлари инсоният тарихининг бошларига бориб тақалади. Инсоният тарихининг барча босқичларида ҳам глобал ўзгаришлар тенденцилари намоён бўлиб келган. Ҳозирги кунда дунё ижтимоий макони ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини бу жараён қамраб олган.

Глобаллашувга муносабатидан ва хоҳишидан қатъи назар, барча мамлакатлар ва халқлар бу жараённинг иштирокчисига айландилар. Улар глобаллашувнинг ижобий натижалари ва салбий оқибатларини ҳис этмоқдалар. Шунга кўра, барча давлатлар ва миллатлар олдида савол туғилади: глобаллашувнинг имкониятлари ва натижаларидан қандай фойдаланиш зарур, қандай қилиб унга мослашиш ва салбий оқибатларидан ҳимояланиш мумкин?

Интеграция - глобаллашувнинг асоси. Дастлаб у табиий йўл билан амалга ошиб келган. Глобаллашувга, интеграциядан фарқ қилган ҳолда иқтисодий, ҳарбий ва геосиёсий мақсадларини амалга оширмоқчи бўлган

давлатлар ва сиёсий кучларнинг аралашуви сабабли бу жараён сунъий хусусиятлар касб этиб, айрим субъектларнинг бойлик орттириш манбаига айланиб қолди. Натижада, маълум сабабларга кўра, глобаллашувда фаол иштирок эта олмаётган бир қатор мамлакатлар ва халқлар иқтисодий–сиёсий ва маданий-маънавий тазйиқ остида қолмоқдалар. Сурия, Украина, Афғонистон, Венесуэлада юз бераётган ҳодисалар ана шулар жумласидан. Буларнинг оқибатида кўплаб давлатлар ўзлари тайёр бўлмаган танловга дуч келмоқдалар.

Глобаллашувга зиддиятлилик, кўпқирралилик, динамика ва кутилмаган хусусиятлар хос. Бир томондан, у инсон тараққиёти учун улкан имкониятлар олиб келса, иккинчи томондан, айрим давлатлар ва халқларни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бошқа давлатларга қарам қилиб қўймоқда. Бундай ҳолат глобаллашувнинг зиддиятли, бир вақтда ижобий ва салбий, кўп ҳудудларни қамраб олувчи ва локал, бирлаштирувчи ва бўлувчи моҳиятга эгалиги билан боғлиқ. Глобаллашув, бир томондан, яратувчилик ва иккинчи томондан, бузғунчилик потенциалини олиб келиши, ижтимоий ҳаётнинг интеграцияси ва дифференциациясига сабаб бўлиши мумкин. Бу жараён амбивалентлик хусусиятга эга, унинг натижалари салбийгина эмас, аксинча, улар жамият ва шахс тараққиёти учун кенг танлов имкониятларини яратади.

Илмий адабиётларда глобаллашув муаммосига турлича ёндашувлар шаклланди. Айрим назариётчилар глобаллашувга объектив, қонуний ва зиддиятли жараён сифатида қарайдилар, бошқалари субъектлар тазйиқи остида амалга ошаётган жараён ёки Ғарб вестернизациясининг натижаси сифатида қарамоқдалар. Глобаллашувни ўрганиш доирасида қатор оқимлар шаклланди: глобализм, антиглобализм, вестернизация, мондиализм, либерализм, модернизм, постмодернизм, номадизм, алармизм ва бошқалар.

ХХ асрнинг 80-йилларигача тадқиқотчилар томонидан глобаллашув кам тадқиқ этилган бўлса-да, бу муаммонинг яқин даврда юзага чиққан ҳодиса эканлигини англатмайди. Глобаллашув турли шаклларининг юзага келиши жамиятнинг ижтимоий-маданий ва цивилизациялар тараққиёти билан боғлиқ. Тадқиқотчилар иқтисодий, геосиёсий, маданий, маънавий-аҳлоқий, илмий-технологик, коммуникатив, ахборот, тил глобаллашувини эътироф этмоқдалар. Тарихий тараққиётнинг турли босқичларида даврнинг хусусиятидан келиб чиқиб, глобаллашувнинг муайян шакли етакчи бўлган: қадимда глобаллашувнинг ҳарбий, жаҳон динларининг юзага келиши натижасида диний, Уйғониш даврида илмий-технологик, Янги даврда иқтисодий ва ҳозирда коммуникатив шакли ва ахборот глобаллашуви етакчилик қилмоқда.

«Глобаллашув» тушунчаси, умумий тарзда, инсонлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларнинг кенгайиб бориши билан боғлиқ бўлган табиий жараённи ифода этиш учун қўлланилган. Уни Р.Робертсон биринчи марта - 1983 йилда илмий муомалага киритган. Гарвард бизнес мактаби профессори К.Омаэ «Чегарасиз дунё» номли китобида бу тушунчани глобал бозорнинг шаклланишини изоҳлашда татбиқ этиб, глобал бозорнинг ҳолатини Европа Иттифоқи, АҚШ ва Япония учлиги белгилашини таъкидлаган.

Ўзбекистон олимлари глобаллашув, маънавият, маънавий янгиланиш муаммоларини кенг ўрганмоқдалар. Хусусан, С.Отамуратов глобаллашувга қуйидагича ёндашади: “Биз “глобаллашув”га жараён сифатида қараймиз ва, айни пайтда, унинг “мавҳум” тушунча эканлигини эътироф этган ҳолда, фан, техника, технологиянинг ҳозирги замон нуқтаи назаридан юксак даражада тараққий этганлиги ва жаҳонда жадал оммалашиб кетиши билан моддий бойликка айланаётганлигини назарда тутамиз”[1].

Олим глобаллашувнинг инқилобий моҳиятини дунёнинг ягона иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий макон даражасида бирлашуви, ҳаёт суръатларини жадаллаштиришдаги қудратида намоён бўлишини таъкидлайди. А.Бегматов глобаллашувни турли мамлакатларнинг иқтисодий-сиёсий ва маънавий ҳаётига кучли таъсир кўрсатувчи, уларнинг иқтисоди, маданияти, маънавияти, халқлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишига олиб келувчи жараён эканлигини қайд этади.

Глобаллашув жамият ва кишилар ҳаётини эркинлашувини тақозо этади. «Демократлашув ўзига параллель ҳолда глобаллашув феноменини кучайтириб юборди. Чунки бир хил тамойилларга асосланган давлатлар, миллатлар, минтақалар ўзаро яқинлашиши, улар амалиётида кўплаб ўхшаш томонлар қарор топиши - бу умумий қоида. ... Идеал тарзда глобаллашув ва демократия барча катта-кичик халқлар ва давлатлар манфаатларига мос келади ва шу тарзда у барча давлатларни тараққиёт ва ҳамжиҳатлик сари йўналтиради»[2]. Субъектлар демократияга интилгани сари глобаллашув жараёнига ва аксинча, глобаллашувга интилгани сари демократик ўзгаришларга қўшилиб боради.

Тадқиқотчининг фикрича, глобаллашув - турли мамлакатлар ва халқларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий, илмий-технологик тараққиёти ва ўзаро алоқалари натижасида юзага келган объектив интеграциянинг юқори босқичи бўлиб, тобора жадал суръатлар билан намоён бўлаётган кўп қиррали, кучли динамикали ва зиддиятли жараёндир. Глобаллашувни цивилизация билан ўзаро алоқадорлик контекстида таҳлил этиш зарур: цивилизация глобаллашувнинг натижасигина эмас, балки глобаллашув цивилизациялар диалоги ва маданиятлараро мулоқотининг натижаси эканлигини таъкидлайди. Россиялик олима И.А.Василенконинг фикрига таяниб, глобаллашувнинг табиатини цивилизациялар ижодий диалогининг моҳияти белгилашини асослайди.

С.Хантингтон, Ю.В.Яковец глобаллашувни цивилизациялар тўқнашуви сифатида тасаввур этадилар. Диссертант, цивилизациянинг улкан ва кенг ҳодисалиги, унга тўқнашув сифатида ёндашув, цивилизация тизимининг элементлари дин, илм-фан, маънавият ва маданиятнинг ҳам тўқнашувини тан олишга олиб келишини изоҳлайди. Лекин амалда цивилизациянинг моҳияти

---

[1] Отамуратов С.Глобаллашув:миллатни асраш масъулияти (сиёсий-фалсафий қирралари).-Тошкент: Ozbekiston, 2018.-Б.70.

[2]Пахрутдинов Ш.И., Жураев Т. ва бошқалар. Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Огоҳлик ва ҳушёрлик тамойиллари. (Тажрибавий қўлланма) -Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008.-Б.179.

умуминсоний қадриятларни ифода этиши, глобаллашувнинг цивилизацияга таъсир этиши, ҳар қандай цивилизациянинг ўзига хослиги уни бошқа цивилизациялар билан таққослаганда, ўзаро мулоқот орқали намоён бўлишини асослайди.

Цивилизация диний, илмий, аҳлоқий, эстетик ва бошқа миллий ва умуминсоний қадриятларга таянади. Улар яратувчанлик потенциалига эга. Шунга кўра, улар ўзаро тўқнашмайдилар. Аксинча, улар ўзаро муносабатда ва диалогда бўлгани туфайли бир-бирини тўлдириб, бойитадилар.

Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнида фаол иштирок этиши мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим қирраларидан бири бўлиб қолмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти етакчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизация ва инновацияга асосланган ислоҳотлар жамиятда демократиянинг янада ривожланишига олиб келади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Маънавият глобаллашувининг тенденциялари**» деб номланиб, унда маънавият ва унинг моҳияти, маънавиятнинг глобаллашув таъсирида ўзгариб бориши жараёни таҳлил этилади. Айтиш жоизки, маънавият, маънавий янгиланиш масалалари хориж фалсафасига нисбатан ўзбек миллий фалсафасида кенгроқ тадқиқ этилган. Ўзбекистон файласуфлари маънавият, маънавий қадриятлар, маънавий янгиланиш муаммоларини таҳлил этишга бағишланган қатор илмий асарлар яратганлар.

Маънавият инсоннинг ижтимоийлашиб бориши натижасида юзага келган атрибути ва муттасил ўсиб борувчи маънавий эҳтиёжларини қондирувчи омилдир. Маънавиятнинг моҳияти давр хусусиятларини акс эттиради, инсонлар ва жамиятлар ўзаро муносабатларининг кенгайиши асосида янада ривожланади. Иқтисодий ислоҳотлар маънавият билан уйғунлашганда жамият тараққиёти янада юксакликка эришади. Маънавият шакллари (аҳлоқ, дин, фан, ҳуқуқ, сиёсат ва санъат) кундалик ахлоқ қоидаларини акс эттирувчи қуйи даража (бутун жамият томонидан яратилади) ва миллий қадриятларни акс эттирувчи юқори даража (ахлоқий идеаллар, ҳуқуқ, миллий ғоя)да намоён бўлади, салоҳияти миллий ва умуминсоний қадриятларга, яратувчиликка асосланади.

Маънавият глобаллашуви маданият глобаллашуви доирасида миллий маънавият ва турли маданий-маънавий қадриятлар синтези асосида юзага келади. Маънавият глобаллашуви миллий маънавиятга кучли таъсир ўтказаётган динамик ва зиддиятли ҳодисадир. Глобаллашув таъсирида маънавиятнинг янги қоидалари шаклланади, унинг илм-фан ва таълим каби элементлари тез суръатлар билан ривожланади. Натижада, кишиларнинг дидлари, фикрлаши, ғоялари, қадриятлари ўзгариб боради.

Маълумки, маънавият догматик ва ёпиқ тизим эмас. У янгиликларни ўзига сингдириб, такомиллашиб боради. Глобаллашув маънавий тараққиёт учун кенг имкониятлар яратади. Маънавият глобаллашуви турли-туманлик асосида юзага келган бир хилликни ифода этувчи маънавиятнинг шаклланишига олиб келади. Мазкур маънавият кенг имкониятлар, улкан

ахборот макони ва кучли динамикага эга. Бундай жараён турли маънавиятларнинг диалоги учун шароит яратади. Диалог маънавиятга ўзини баҳолаш ва қайта баҳолаш, бошқалар билан солиштириш ва потенциалини реализация қилиш имконини беради. Шунга кўра, миллий маънавиятнинг реаллиги ва этномавқеи сақланади. У янгиланади, такомиллашади ва янада сайқалланиб, келажак авлодларга ўтиб боради.

Глобаллашув шароитида демократия ва модернизация жараёнлари миллий маънавият билан уйғунлашган ҳолда амалга ошиши зарур. Миллий маънавият нисбатан консерватив ва изчил моҳиятга эга бўлиб, унинг анъаналари мустаҳкам, ўтмиш билан кучли боғланган, макони чекланган. Глобал маънавият ўзгарувчанлик, нобарқарорлик ва очиқлик хусусиятига эга бўлиб, кўпроқ келажакка йўналган. Глобал маънавият турли – туманликка асосланган бир хил маънавият.

Мамлакатимиз тарихий даврларининг ҳар бири ўзига хос маънавият тизимига эга. Давр руҳини белгилаб берган объектив ҳодисалар, жамиятнинг ижтимоий-маданий тараққиёти, инсон салоҳиятининг ўсиши асосида муайян маънавият тизими шаклланади, ўтмиш ва келажакнинг ўзаро боғлиқлиги ва эволюцияси таъминланади. Маънавиятнинг янгиланиб бориши уни глобаллашув шароитида яшашининг ифодаси бўлиб, бу глобаллашувнинг зиддиятли таъсирига маънавиятнинг жавоби, мослашуви ва таҳдидларга қарши курашини англатади.

Глобаллашув муаммоларининг маънавий соҳага таъсири ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига нисбатан мураккаб ҳисобланади. Чунки бундай таъсир натижасида, унинг моҳияти иқтисодий ёки сиёсий тус олишидан қатъи назар, инсоннинг маънавий онги ўзгариб боради. Бундай таъсирнинг кучайиб бориши миллий маънавият макони ва ўзини намоён эта олиш имкониятларининг торайишига сабаб бўлмоқда. Глобаллашув шароитида юзага келаётган унификация натижасида, танлаш имконияти камайиб боради. Миллатлар олдида ўз маънавий идентификациясини ҳимоя қилиш, қадриятли танлов имкониятларини кенгайтириш ва жаҳон маданий диалогида тенг ҳуқуқли субъект сифатида иштирок этиш билан боғлиқ муаммолар юзага келади.

Миллий ва глобал маънавиятнинг ўзаро диалоги миллий маънавиятнинг трансформациясига олиб келади. Прогрессив ўзгаришлар ва янги замонавий талаблар асосида янги ижтимоий-маънавий идеаллар ва мўлжаллар пайдо бўлади. Кўриниб турибдики, маънавиятнинг юксалиб бориши, маънавий янгиланиш маънавий эҳтиёжларнинг ўсиб боришидан келиб чиқувчи қонуний жараён ҳисобланади. «Маънавият юксалишининг хусусиятларини ҳисобга олиб, унинг қуйидаги қонунларини ажратиб кўрсатиш мумкин: жамият тараққиёти жараёнида соғлом ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар муттасил ўсиб бориш қонуни; маънавият ривожланишининг умумтамаддуний (цивилизацион) тараққиёт даражасига боғлиқлиги қонуни; маънавий ривожланишнинг ижтимоий онг ва ижтимоий муносабатлар

ривожланиш даражаси билан ўзаро боғлиқлиги қонуни»[1]. Айтиш мумкинки, маънавий янгиланиш жамият ҳамда инсон тараққиётининг объектив эҳтиёжларига боғлиқ экан.

Жамиятни ҳар томонлама модернизациялаш ҳамда тараққиётни инновациялар асосида йўналтириш долзарб бўлган ҳозирги кунда маънавият масаласи ҳам янгича мазмун касб этади. Глобаллашув шароитида демократия, модернизация ва инновация жараёнларини миллий маънавият билан уйғунлаштириш масаласи муҳим бўлиб қолди. Чунки иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларнинг суръати уларнинг миллий маънавиятда тўғри акс этишига алоқадор. Модернизация илм-фан ва янги технологияларга асосланади. Лекин уни амалга оширувчи субъектнинг маънавияти ҳам бу жараёнда муҳим омиллардан биридир. Жамият олдида глобаллашув чақириқларига ўз вақтида жавоб бера олувчи янгиланаётган миллий маънавиятни шакллантириш муаммосини ҳал этиш вазифаси туради. Глобаллашув шароитида қадриятли танлов ва қадриятли ориентацияни амалга оширувчи маънавият фильтр вазифасини ўтайди ҳамда глобал маънавиятнинг тарқалиш чегаралари ва қоидаларини белгилаб беради.

Тадқиқотчи маънавий янгиланишни маънавият ва демократия ўзаро боғлиқлиги контекстида таҳлил этади. Глобаллашув демократияга алоқадор. Демократия маънавиятга асосланади. Маънавиятнинг тарихи демократияга нисбатан қадимийдир. Демократия маънавиятнинг натижаси, чунки у маънавият тарихий тараққиётининг маълум бир босқичида шаклланиб, унинг ажралмас қисмига айланиб боради. Қаерда маънавият юксак тараққий этса, у жойда демократия мавжуд бўлади. Юксак ривожланган маънавият демократиянинг таянчи ва асоси бўлиб хизмат қилади[2].

Маънавият демократиянинг мустаҳкамлигини белгилаб берувчи таянчи ҳисобланади. Шунга кўра, эркинлаштириш ва янгиланиш, модернизация ва жамиятни ислоҳ қилиш узоқ давом этувчи жараён сифатида тушунилади. Кишиларнинг узоқ вақт давомида шаклланган онгини бир ой ёки йил давомида ўзгартириш мумкин эмас. Эски тушунчалардан воз кечиш, янгича қарашларни англаб етиш узоқ вақт талаб этади, Уларга маънавиятнинг мослашиб бориши мураккаб кечади, чунки маънавият тараққиёти оламшумул ўзгаришларни ва ислоҳотларни англаб етиш учун узоқ давр талаб этувчи маънавий-аҳлоқий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жиҳатларни қамраб олган жараёндир[3].

Маънавий янгиланиш бу маънавиятнинг тарихан шаклланган миллий маънавий қадриятлар ва глобаллашув натижасида тарқалаётган маънавият асосида диалектик тараққиётини англатувчи объектив жараён бўлиб, у глобаллашув имкониятларидан фойдаланиш, унга мослашиш ва салбий

---

[1] Эркаев А. Маънавиятнинг уч қонуни. Биринчи мақола.//Тафаккур – Тошкент. 2017. № 2. – Б.21.

[2] Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. –Тошкент: Шарқ. 2005.-Б.42-48.

[3] Минаваров С. Маънавий-маърифий ишларнинг демократик тамойиллар билан уйғунлиги.// Ижтимоий фикр. –Тошкент.2009. № 2.-Б.158.

жиҳатларига қарши курашиш ҳисобига маънавиятни емирилишидан сақлайди ва жамиятда маънавий барқарорликни шакллантиради.

Миллий ва глобал маънавиятни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

глобал маънавият учун тарихий хотира, авлодлар маънавий мероси, анъаналар, миллий қадриятлар эмас, иқтисодий тараққиёт, инвестициялар, технологик ва илмий қадриятлар муҳим, глобаллашувнинг иқтисодий потенциали ва жадал суръатларига миллий маънавият мос келмайди;

миллий ва глобал маънавият имкониятлари нуқтаи назаридан фарқ қилади. Миллий маънавиятнинг ўзига хослиги уни глобал маънавиятнинг улкан ахборот маконига киришини мураккаблаштиради;

глобал маънавият иқтисодий ва илмий-технологик асосга ҳамда агрессив механизмга эга, миллий маънавият миллий қадриятларга ва тарихий-эволюцион механизмга эга;

миллий маънавиятга нисбатан консервативлик (дин), изчиллик ва барқарорлик хос бўлиб, у анъанавий тартиб - қоидаларга амал қилишни талаб этади. Глобал маънавиятга кучли динамика, ўзгарувчанлик, ўта толерантлик ва гедонистик хусусиятлар хос. У шахсдан мобилликни талаб этади;

миллий ва глобал маънавият турлича функцияларни бажаради: биринчиси, субъектларни иқтисодий ва илмий-технологик асосда; иккинчиси, миллий маънавий қадриятлар асосида бирлаштиради. Маънавиятнинг динамикаси ва моҳияти турлича бўлган иккала шакли ҳам инсоннинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган;

миллий маънавият қисман ёпиқ, барқарор тизимга эга, глобал маънавият очиқ, синергетик ва интеграцион тизимга эга бўлиб, у турли-туманлик асосидаги бирхилликдан ташкил топган.

Асрлар давомида тарихан шаклланган барча миллий маънавиятлар миллий доирадагина эмас, турли цивилизациялар ва халқларнинг маданияти доирасида ўзаро мулоқотда бўлган. Ўзга маънавият таъсирини акс эттира олганлиги сабабли ҳам ўзига хослигини сақлаб қолган. “Ҳаёт ташқи белгиларининг умумийлашуви ва бирхиллашуви тенденциялари қанчалик кучайиб боргани сари, кишилар ўзларининг ички дунёсини тавсифловчи анъаналар, дин, ўз халқининг маданияти каби компонентларни кўпроқ эъзозлайдилар. Демак, ўзини иҳоталаш позицияси эмас, айнан глобаллашув жараёнлари, халқларнинг ўзига хос миллий маданиятини сақлаб қолишнинг кучли стимули бўлиши мумкин...”[1].

Глобаллашувнинг жадаллашиб бориши миллий маънавиятни сақлаб қолишга бўлган интилишни кучайтиради. Бу маънода глобал маънавият миллий маънавиятнинг ҳам сақланиши ва ривожланишига таъсир этади. Тадқиқотчининг фикрича, ўзга маънавият билан мулоқот миллий маънавиятнинг этномақоми ва салоҳиятини сақлаб қолишга ёрдам беради. Бундай диалогда ўзини бошқалар билан солиштириш, баҳолаш, қайта баҳолаш, танқидий қараш, ижод қилиш ва реализация қилиш имконияти

[1] Гаджиев К.С. Введение в геополитику. 2- изд., доп.и перераб.–Москва: 2000. –С. 243.

пайдо бўлади. Натижада, миллий маънавиятнинг доимий мавжудлиги ва тараққиёти таъминланади.

Бирхиллик хусусиятини (унификация) касб этиб бораётган ягона глобал макон глобаллашув олиб келаётган маънавият элементлари асосида: кундалик ахлоқий қоидалар, ўзгариб турувчи гедонистик одатлар, юриш-туришнинг ёшларга хос янгича қоидалари, ташқи кўриниш билан боғлиқ бўлган замонавий мода ва бошқалар асосида бирлашиб боради. Аммо бу маконнинг маданият соҳасида ҳамкорлиги, миллатларнинг ўзига хос маънавиятини тан олиш, маънавий этностатусини сақлашга интилиш каби жиҳатлари кам.

Маънавий глобаллашувнинг мезони масаласи ҳам муҳим. И.В.Бестужев-Лада маънавий глобаллашув мезонини унинг тараққиётга хизмат қилиши даражаси билан боғлайди. Унинг фикрича, маънавий глобаллашув инновацияни олиб келиши сабабли техник, иқтисодий, сиёсий, маданий, ижтимоий ва бошқа жараёнларда муҳим ўзгаришлар юз беради[1].

Ўзбекистон олимлари глобаллашувнинг маънавиятга таъсирини турлича изоҳлайдилар. Хусусан, С.Отамуратов миллий онг ривожининг глобаллашув даражасидан ортда қолаётгани натижасида глобаллашув, миллатлар онгида ўзлигидан бегоналашувга таъсир этаётганини таъкидлайди. Бунга қарши миллий онгни глобаллашув ривожланиши даражасига мос равишда тараққий эттириш зарур[2], деб ҳисоблайди.

Маънавият ва глобаллашув ўртасидаги муносабатлар кўп вариантлидир. Ҳозирги даврда глобаллашув таъсирида маънавият инновацион-технологик, рационаллик хусусиятини касб этиб бормоқда. Глобал маънавиятнинг технологик хусусияти ўзига хос ахлоқий тизимни шакллантиради. Бундай тизим ўта ўзгарувчан бўлиб, унинг миллий маънавий онг томонидан тўла акс этиши тобора мурраккаблашиб бормоқда. Бу ҳолат глобал маънавиятнинг инновацион имкониятлар ва улкан ахборот маконига ва кенг имкониятларга эгалиги билан боғлиқ.

Тарихнинг турли босқичларида давр руҳидан келиб чиқиб, глобаллашув маънавиятга ўзига хос таъсир кўрсатган. Хоразмда ташкил топган Маъмун академияси Шарқ Уйғониш даврида улкан аҳамиятга эга бўлди. У нафақат Хоразм ҳудуди, балки бутун Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро иқтисодий ва маданий-маънавий алоқалар ўрнатган, Европа давлатларининг ҳам улкан илмий ва маънавий тараққиётига таъсир этган. Академия - Уйғониш даврида юзага келган илмий-маданий глобаллашувнинг натижасидир. Яна бир мисол: Буюк Ипак йўли нафақат иқтисодий муносабатлар, балки маданий ва маънавий муносабатларнинг тараққиёти учун ҳам улкан имкониятлар яратди. Хитойга ислом динининг тарқалиши ўз даврида улкан глобал аҳамиятга эга бўлган Буюк Ипак йўлисиз амалга ошмаган бўлар эди. Бу йўл Хитойни Марказий Осиё орқали Европа билан

[1]Когай Е.А. Социокультурные процессы в России: новые вызовы. // Курск: Вестник философии и социологии Курского государственного университета. 2015. № 1.– С.202.

[2]Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик (сиёсий-фалсафий таҳлил).-Тошкент: Ўзбекистон, 2013.-Б.352-355.

шунчаки боғлабгина қолмасдан, қадимги цивилизациянинг, кейинроқ Шарқ Уйғониш даврининг юзага келишида улкан стратегик аҳамиятга эга бўлди.

Тарихчи олим А.Хўжаевнинг ёзишича, янгича маданият, урф-одатлар, фаолиятнинг янги турлари, пиллачилик, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кабилар Европага Буюк Ипак йўли орқали кириб келган. Бу йўл Хитой, Марказий Осиё ва Европа халқларининг ижтимоий ҳаётида улкан роль ўйнагани ҳолда улар ҳаётидаги катта маданий-маънавий ўзгаришларга сабаб бўлди, глобаллашув ва маънавиятнинг ўзаро муносабатларида муҳим омил бўлди. Бундай глобал муносабатлар бу ҳудудларда яшовчи халқларнинг этник хусусиятларини ҳам ўзгартириб юборган. Айтиб ўтилганидек, Хитойга, дастлаб, буддавийлик, кейинроқ исломнинг кириб келиши натижасида бу ҳудудда ўтроқлашиб қолган янги этнос - дунганлар шаклланди. Бундай янги этнос форсийлар, араблар, туркийларни бирлаштирди[1].

Ўзбекистон ҳудудида ислом тарқалиши натижасида амалга ошган диний глобаллашув таъсирида янгича диний маънавият, анъаналар, қадриятлар тизими шаклланди. Улар асосида маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи бутунлай ўзгарди. Глобаллашув бу даврда тили, маданияти ва турмуш тарзи фарқ қиладиган турли халқларнинг ягона ислом маънавияти асосида бирлашишига олиб келди. Бундай глобал маънавий омил таъсирида турли маданиятлар синтези улкан маданий квинтэссенцияга айланди. Ислом маънавиятининг толерантлик хусусияти асосида юзага келган глобаллашув маданий очиқлиги ва бошқа маданиятларга нисбатан толерантлигини белгилади. Акс ҳолда ҳозирда бу ҳудуднинг маданий-маънавий манзараси бутунлай бошқача бўлиши мумкин эди. Бир томондан, ислом маънавиятининг ва иккинчи томондан, маҳаллий халқларнинг толерантлик хусусияти бу ҳудудда ўзига хос, улкан цивилизацияни шакллантирди.

Глобаллашув жараёнларида иштирок этган халқларнинг иқтисоди, маданияти ва маънавияти тез суръатлар билан ривожланган. А.Бегматовнинг фикрича, XV асрдан бошлаб Марказий Осиё ҳудудида иқтисодий ва маданий инқирознинг бошланиши Хитой билан Европани боғлаб турувчи Марказий Осиё ҳудудларидан ўтган савдо йўлларининг камайиб, аҳамиятининг йўқотганлиги ва Ўрта Осиё орқали ўтган карвон йўлларида ҳаракатнинг тўхташи билан боғлиқ. Мўғуллар босқинидан кейин Амир Темурнинг Ўрта Осиё ва унга қўшни ҳудудлар тарихидаги энг катта хизматларидан бири - савдо карвонлари йўлини Шимолдан Жанубга, Мовароуннаҳр ва Хуросонга буриб юборишидир. Бу йўл Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг юз йилдан ортиқроқ давр мобайнида гуллаган минтақаларга айланишини таъминлаган энг муҳим омиллардан бири бўлди[2]. Ўз даврида глобал аҳамиятга эга бўлган савдо йўлининг тикланиши натижасида Фарғона водийси шаҳарлари, ҳозирги Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Афғонистон, Эрон

[1]Хўжаев А. Буюк ипак йўли. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2007.-Б.91-199.
[2] Бегматов А. Буюк лашкарбошилар. –Тошкент: Akademiya, 2004.-Б.49.

ҳудудларида яшаган халқларнинг иқтисодий ва маданий тараққиёти учун улкан имкониятлар юзага келди.

Қадимда гуллаб яшнаган, лекин ҳозирги кунда ер юзидан йўқолиб кетган қипчоқлар, юнга, печенеглар, скифлар, буртаслар, мочика, майя, хазар каби халқлар ҳаёти ва маданияти ўзига хос тарзда кечган. Бу халқлар ижтимоий ҳаётининг глобаллашуви, миграция, урушлар, тил билан боғлиқ бўлган жараёнлар уларнинг турмуш тарзини тубдан ўзгартириб юборди. Улар глобаллашувда фаол бўла олмаганликлари сабабли бу жараён уларнинг маданияти, маънавияти ва тарихини ютиб юборди[1].

Америкалик археолог Келберт майя цивилизациясининг емирилиб кетишини қуйидагича изоҳлайди: «Менинг фикримча, майянинг йўқолиб кетиши унинг маданият қоидалардан чекиниши билан боғлиқ бўлган оддий ҳолат. Бунда маданият ўта тез ривожланиб, ўз ресурсларини жуда тез ишлатиб юбориб, маданият эгалари атроф-муҳитга ўта беғамлик билан муносабатда бўладилар. Бошқа қўшниларидан ажралиб қоладилар. Уларнинг ташкилий имкониятлари ҳам тугади. Иқтисодий база ишчи кучидан самарали фойдаланиш қобилиятини йўқотди»[2]. Майя халқларининг бошқа халқлар билан ўзаро иқтисодий-ижтимоий алоқалари камайиб бориши ва бошқа маданиятлардан узилиб қолиши, аҳоли сонининг камайиб кетиши ва бошқа негатив омиллар натижасида иқтисодий ҳаёт турғунликка учради ва майя цивилизацияси марказларининг ҳам емирилишига олиб келди.[3]. Бу жараёнларнинг барчаси биргаликда майя цивилизациясининг бошқа халқлар цивилизациясидан ажралиб, глобаллашув жараёнидан четда қолиб кетганлиги билан боғлиқ. Бу соҳада кўплаб тадқиқотлар олиб борган антрополог ва археолог С.Морли ва унинг издошлари ҳам йўқолиб кетган цивилизацияларни ўз даврининг экологик офатлари билан боғлаб, шаҳарлар ва уларнинг аҳолиси экологик муаммоларга қарши якка ҳолда курашишга имкониятлари етмаганлигини таъкидлайди[4].

Глобаллашув жараёнидан четда қолиши натижасида камайиб кетган халқлардан бири аварлар ҳисобланади. Буюк кўчиш даврида улар Марказий Венгрияга келиб қолганлар. VI асрда аварлар бошқа халқлар билан қўшилиб кетдилар. Тахминларга кўра, улар Ўрта Осиёдан келиб чиққанлар. Уларнинг келиб чиқиши жуан-жуаней қабилаларига бориб тақалади. Бу қабилаларга туркларнинг ҳам қадимги авлодлари кирганлиги тўғрисида тахминлар бор[5]. Санаб ўтилган халқлар глобаллашув жараёнидан четда қолганлиги туфайли уларнинг потенциали (табиий, маданий-маънавий, ақлий ва бошқалар) аста-секин емирилиб тамом бўлган, деб тахмин қилса бўлади. Бунинг натижасида уларнинг ўзини сақлаб қолиш ва ривожлантириш хусусияти ҳамда миллий идентификацияси ҳам йўқолиб кетган бўлиши мумкин.

---

[1] Исчезнувшие народы. –Москва: Наука, 1998. –С.6-18.
[2] Gullbert P.T. Th Lost Civilization: the Storiy of Classic Maya. N.Y. 1947. –P.112.
[3] Исчезнувшие народы. –Москва: Наука, 1998. –С.179.
[4] Morli S.G. The Ancient Maya. Stanford. 1947.–P.110.
[5] Эрдели И. Авары.// В кн. Исчезнувшие народы. –Москва: Наука, 1988. –С.99-100.

Ҳар қандай маданият ва маънавият ўзига ўхшаш маданият ва маънавият билан алоқада бўлганда ўз яшовчанлигини сақлаб қолади ва янгиланади. Шундагина маънавият бошқаларга таъсир эта олиш потенциалига эга бўлади ва кишиларни бирлаштира олади. Россиялик олима Е.А.Когайнинг фикрича, қадимги билими ва анъаналарини сақлаб қолган Ҳинд ва Хитой цивилизациясининг яшовчанлиги уларнинг ташқи олам билан ички мувозанат ва балансни сақлаб қолишга ёрдам берган яшовчан маънавий маданияти, маънавий маданият тамойилларининг барқарор асосга ва ташқи ўзгарувчан ҳодисаларга нисбатан мослашувчан асосга эга бўлганлиги билан боғлиқ[1].

Айтилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, миллатлар ўзига хослигини глобаллашув жараёнида иштирок этганликлари ҳисобига сақлаб қолдилар. Глобаллашувнинг фаол иштирокчилари унинг имкониятларидан унумли фойдалана оладилар, бошқалар билан ўзаро иқтисодий-ижтимоий алоқада бўладилар. Улар ўз ресурслари ва потенциалини сақлаб, ривожлантирадилар. Шундай асосда улар ўз келажагини таъминлай олдилар.

Маънавий глобаллашув ривожланаётган жараёнда икки тенденция мавжуд: биринчиси – барқарор миллий маънавиятнинг миллий аҳлоқ, қадриятлар ва анъаналарини маънавий тараққиётнинг барқарор омили сифатида сақлаб қолишга интилиш ва иккинчиси – модернизация ва инновацияга интилиш, уларни жорий этиш натижасида бирхиллашув, умумийликнинг юзага келиши. Биринчи тенденция миллийлик ва унинг тамойилларига, иккинчиси эса, глобаллашув, модернизацияга асосланган. Масала бу икки тенденцияни уйғунлаштириш ва иккинчи тенденцияни миллийлик томон йўналтиришдан иборат.

Диссертациянинг «**Маънавий янгиланишнинг омиллари**» **деб номланган** учинчи бобида маънавий янгиланишнинг объектив зарурати, унинг омиллари ва маънавий янгиланишнинг шарти сифатида модернизация таҳлил этилган.

Фалсафий нуқтаи назардан янгиланиш ҳодисаси барча тизимлар доирасида давом этаётган тараққиётнинг бир босқичдан иккинчи босқичга диалектик инкор асосида ўтиш жараёнини билдиради. Объектив борлиқнинг барча соҳаларидаги ҳар қандай янгиланиш қонуний жараёндир. Маънавият соҳаси ҳам бундан мустасно эмас.

Маънавий янгиланиш маҳаллий иқтисодий, маданий имкониятлар, миллат менталитети асосида ўзига хос тарзда амалга ошади. Ҳар қандай маънавий янгиланиш жамият ва шахс эҳтиёжларининг доимий тараққий этиши ва шахснинг мукаммалликка интилиши билан боғлиқ. Маънавий янгиланиш воз кечиш ёки инкор этиш дегани эмас. У миллий қадриятларни ривожлантириш ва бошқа халқларнинг илғор қадриятларини ўзлаштиришга қаратилган.

---

[1]Когай Е.А. Социокультурные процессы в России: новые вызовы. // Курск: Вестник философии и социологии Курского государственного университета. 2015. № 1. –С.142.

Глобаллашув шароитида жамиятнинг объектив эҳтиёжлари шахс маънавий фаолияти ва эҳтиёжларининг шаклланишига таъсир этади. Шахс маънавий эҳтиёжларининг ортиб бориши унинг маънавий потенциалининг ҳам такомиллашиб боришига олиб келади. Ўз ҳаётида модернизацияни амалга ошираётган субъектлар маънавий интеграция жараёнида ҳам фаол иштирок этадилар. Улар интеграция натижаларидан унумли фойдаланиб, миллатнинг турмуш даражасини оширадилар. Бунда маънавий идеал жамият аъзоларини бирлаштирувчи ва мобилизация қилувчи муҳим омил ҳисобланади.

Маънавий янгиланиш шароитида маънавиятнинг янги қоидалари шаклланади. Шу билан бирга англашиладики, миллий ёки глобал маънавиятни, уларнинг идеалларини мутлақлаштириш нотўғри. Маънавий янгиланишнинг асосий тамойили миллий ва глобал маънавият уйғунлигини таъминлаш ҳамда уларни мутлақлаштиришга йўл қўймасликдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Глобаллашув олиб келаётган инновацион қадриятларни (инновацион фаолият, фаол ҳаётий позиция, ижодий ёндашув, танқидий тафаккур, креативлик ва ижтимоий шериклик) миллий маънавият билан уйғунлашуви миллий маънавият тараққиёти, инсон омилининг ролини ошириш ва маънавий потенциалини юзага чиқарувчи янги имкониятларни юзага келтиради.

Глобаллашув тизимли ва тизимсиз, алоҳида ва тартибсиз ҳолда ўзини намоён этади. Моддий бойлик яратувчи иқтисодий глобаллашувнинг механизми тезроқ ишлайди. Бугунги глобаллашув агрессив ва кучли тазйиқ ўтказувчидир. Бу жараён ҳеч қандай қонун-қоидаларга амал қилмайди. Глобаллашувнинг иқтисодий потенциалига миллий маънавият мос келмайди, аксинча, кўп ҳолларда унга қарши туради.

Анъанавий маданият ва маънавият кучли бўлган жойларда, албатта, глобаллашувнинг таъсири камроқ. Маънавият глобаллашувнинг таъсирини чеклаш ва маълум меъёрларга солиш потенциалига эга. Лекин маънавий соҳанинг барқарорлиги ҳам хавф остида. Ҳатто миллий-маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ва тарбиялаш тизими ҳисобланган таълим соҳасининг ўзи ҳам бугун глобаллашувнинг таъсирида қолди. Ғарб давлатлари таълим тизимига мослашишга интилиш, янги педагогик технологияларни қўллаш каби янгича ёндашувлар глобаллашув олиб келаётган янгиликдир. Бундай ҳолат маънавиятнинг барқарорлигига таъсир этмоқда. Маънавият мунтазам янгиланиб бориш ва янгиланиш омилларини шакллантириш муаммосига дуч келмоқда. Миллий маънавият механизми глобаллашувнинг бундай чақириқларига жавоб бера олмайди.

Маънавий янгиланиш омилларининг аҳамияти уларнинг глобаллашув шароитида миллий маънавиятни ҳимоя қилиш ва глобаллашув таъсирини чеклай олиш қобилияти билан белгиланади. Маънавий янгиланиш йўналишларини жамият соҳаларига мос тарзда қуйидагича белгилаш мумкин: иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий, илмий-технологик, диний-ахлоқий, ахборот-коммуникатив ва эстетик. Иқтисодиёт маънавиятга кучли таъсир этувчи ва маънавиятни динамикага келтирувчи соҳа

ҳисобланади. Иқтисодий ва сиёсий соҳалар инсон маънавий потенциалини юзага чиқариш ва реализация қилиши учун имкониятлар яратади. Илмий-технологик соҳа маънавиятнинг рационаллашуви ҳамда технологик хусусият касб этиб боришига сабаб бўлади ва инсонда креативлик, инновацион ва ижодий ёндашувни шакллантиради. Бу жараён жамият аъзоларининг интеллектуал потенциали тараққиёти суръатларини тезлаштиради. Диний-ахлоқий ва эстетик соҳаларнинг элементлари билан инсон мунтазам дуч келиши сабабли уларнинг маънавиятга таъсири кучли. Ахборот-коммуникатив соҳанинг улкан ахборот маконига эгалиги ва имкониятларининг кенглиги унинг маънавиятга ўзига хос тўлароқ таъсирини белгилаб беради.

Маънавий янгиланишнинг асосий икки хил омилини кўрсатиш мумкин: биринчиси, миллий қадриятлар, анъаналар, менталитет, ахлоқни ўз ичига олади. Иккинчиси, глобаллашув натижасида тарқалаётган маънавият элементлари тизимидан ташкил топган. Унга инновацион қадриятлар, креативлик, ташаббускорлик, ахборот маданияти, фаол ҳаётий позиция, инновацион дунёқараш ва фаолият, замонавий хулқ-атвор қоидалари ва бошқалар киради. Улар глобаллашув натижасида шаклланаётган ва прогрессив моҳиятга эга бўлган омиллар бўлиб, миллий тараққиётга хизмат қилувчи саналади.

Бу икки омилнинг маънавий янгиланишга таъсир даражаси турлича. Биринчиси, инсонни миллий хусусиятлар ва менталитет томон йўналтирувчи фундаментал ва нисбатан консерватив омиллар бўлса, иккинчиси, инсоннинг турмуш тарзи ва кундалик ҳаётида мунтазам дуч келадиган динамик хусусиятга эга бўлган омиллардир. Бу омилларнинг детерминанти инсоннинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, улар инновациялар учун очиқдир. Хизмат кўрсатиш тизими, оммавий ахборот воситалари, коммуникатив технологиялар, виртуал борлиқ элементлари, санъатнинг замонавий йўналишлари ана шулар жумласидандир. Миллий психология ва ахлоқ, миллий онг асосида шаклланган миллий менталитет улар таъсирида тез ўзгариб боради.

Тадқиқотчининг фикрича, маънавий янгиланишни амалга ошириш механизмининг элементлари қуйидагилар: маънавий эҳтиёжлар, маънавий онг, маънавий фаолият, маънавий потенциал, маънавий идеал ва миллий ўзликни англаш. Маънавий янгиланишни амалга ошириш шарти миллий ахлоқий маънавият тамойилларига мос тушадиган модернизация ва инновациядир.

Маънавий янгиланиш қуйидагиларни тақозо этади:

- маънавият соҳасида шахснинг маданий деградациясига олиб келувчи оддий (примитив) моддий эҳтиёжларнинг жамият онгида асосий ўринни эгаллаб олишига йўл қўймаган ҳолда, юксак маънавий эҳтиёжларни шакллантириш;

- шахс маънавий потенциалини, айниқса, ёшларнинг интеллектуал ва маънавий потенциалини юзага чиқара олиши ва реализация қилиши учун имкониятлар яратиш, мазкур потенциални сақлаб қолиш ва ривожлантириш.

Глобаллашувнинг инсон ва унинг маънавиятига зиддиятли таъсирини инкор этмаган холда, глобаллашув, асосан, ижобий характерга эга, деб хулоса қиламиз. Глобаллашув руҳида тарбияланган инсон:

- динамик ва мобиллик хусусиятига эга, у фаол бўлиб, бир вақтнинг ўзида “шу ерда ва ҳамма жойда”;

- онги турли маданиятлар синтезини ифода этиши сабабли, унинг рационал ва танқидий тафаккури даражаси юқори, унда реализм, креативлик, прагматик ёндашув ҳис-туйғуга нисбатан кўпроқ;

- ўз маънавиятигина эмас, бошқа маънавиятни ҳам ўзлаштириши натижасида, у. миллий маънавият тизимига жамият тараққиёти ва манфаатларига хизмат қилувчи илғор элементларни олиб келиши мумкин;

- ўз интеллектуал салоҳиятини ривожлантириб бориши сабабли у, ўз маънавиятини бошқа маънавиятлар билан солиштириш ва унга танқидий қарай олиш, миллий қадриятларни реал баҳолаш ва зарур бўлганда, қайта кўриб чиқа олиш салоҳиятига эга.

Ҳар қандай тарихий ва замонавий қадриятларга жамиятнинг ижодий ёндашуви талаб этилади. Бундай ижодий ёндашув жараёнида илғор қадриятларни ўрганиш, улардан давлатимизнинг демократик тараққиётига хизмат қиладиган, миллий манфаатларимизга мос тушадиган элементларини танлаб олиш ва уларни жамиятда қўллай билиш каби муаммолар ҳал этилади. Глобаллашув шароитида миллий маънавият тарихий давр талаблари асосида ривожланади ва миллий манфаатни ҳимоя қилади. Бу миллий маънавиятнинг доимий янгиланиб боришини талаб этади.

Якунловчи тўртинчи боб «**Маънавий янгиланиш жараёнида миллий ва глобал маънавият уйғунлигини таъминлаш зарурати ва истиқболлари**» деб номланиб, унда миллий ва глобал маънавият уйғунлигининг имкониятлари ва истиқболлари, бу жараёнда инсон маънавий салоҳиятининг ўрни, глобаллашувга мослашиш ва унинг салбий оқибатларига қарши курашда миллий ўзликни англашнинг роли асослаб берилган.

Маънавий янгиланиш демократик моҳиятга эга бўлиб, у маънавий қадриятлар модернизацияси ва демократик трансформацияси, уларни фуқаролик жамиятининг эҳтиёжларига жавоб бериб бориши билан тавсифланади. Глобаллашув натижасида жамиятнинг эркинлашуви демократик имкониятларни юзага келтиради. Глобаллашув – имконият ва тараққиётни, маънавият – хавфсизлик ва барқарорликни таъминлайди. Миллий маънавиятнинг замонавий демократик қадриятларни мунтазам ўзлаштириб бориши - глобаллашувнинг талаби. Бу жараён маънавият тизимининг ўзгариб, замонга мослашиб боришига олиб келади. Келажакка қаратилган стратегик тўғри йўл, бу иккала жараённи уйғунлаштириш ва унинг натижаларини тараққиётга йўналтиришдан иборат.

Миллий маънавиятнинг янгича демократик қадриятларни ўзлаштириб бориши, глобал маънавиятнинг плюралистик имкониятларидан фойдалана олиши унинг тараққиётига хизмат қилади, миллий ва глобал маънавиятнинг ўзаро диалогида фаол ва етакчи бўлишини таъминлайди. Бу жараёнда

инсоннинг интеллектуал ва маданий-маънавий салоҳияти муҳим омил ҳисобланади. Маънавий салоҳият инсоннинг ахлоқи, дунёқараши, маънавий қадриятлари, маънавий танлови, ҳаётга фаол муносабати асосида шаклланган ҳодиса бўлиб, инсон фаолиятининг самарасини таъминлайди. Бу борада ёшларнинг фаоллиги, креативлиги, ташаббускорлиги асосига қурилган салоҳияти, уни юзага чиқарилиши ва реализация қилиниши мамлакат прогрессив тараққиётини белгилаб беради.

Глобаллашув зиддиятли жараён эканлиги маълум. Глобаллашув фақат умумий имкониятларни эмас, глобал хавф-хатарларнинг ҳам умумийлигини англатади. Ҳозирги даврда «мегажамият», «жаҳон бозори», «жаҳон савдоси», «дунё фуқароси», «глобал инсон», «киберинсон», «киберэмигрант», «киберавлод», «кўп вариантли суперсиёсат» каби тушунчаларнинг пайдо бўлиши бежиз эмас. Бундай шароитда жамият олдида «Глобаллашув шароитида нима қилиш керак?» – деган савол эмас, «Глобаллашувнинг имкониятларидан қандай фойдаланиш зарур ва қандай қилиб бу жараённинг объекти эмас, субъекти бўлиш мумкин?» – деган саволлар туриши муҳим.

Маънавият соҳасининг иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалар билан тенг тараққий этиши глобаллашув хавфининг олдини олади. Бу жараёнларда таълим тизимининг ўзига хос ўрни бор. «Дунё ҳамжамиятини замонавий таълим халқаро бўлиши, университет таълими эса кўпхиллик маданий тараққиётнинг асоси бўлиши лозим, турли-туман маданиятга асосланган таълим тараққиётнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаши мумкин», деган фикр бирлаштиради. Чунки у ҳодисани бошқа инсон позицияси, турли маданиятлар, бошқа ижтимоий-иқтисодий формация нуқтаи назаридан баҳолаш қобилиятини шакллантиради. Бўлажак мутахассиснинг маданий ўз-ўзини англаши ва унинг шахсини бойитишга хизмат қиладиган кўпмаданиятли таълим муҳити яратилиши лозим»[1].

Таълим тизими ёшларда глобал дунёқарашни шакллантиришга, шунчаки мутахассисни эмас, лидерларни тайёрлашга, инновацияни қўллаб-қувватлашга йўналган бўлиши зарур. Бу соҳада «таълим хизматлари бозори», «рақобатбардош таълим» тушунчалари тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Глобал дунёда рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаб етиштириш учун Ўзбекистонда таълим тизимини келажак талабларига мослаштириш, долзарб касбий йўналишларни очиш, унинг дунё бозоридаги рақобатбардошлик салоҳиятини ошириш кабилар орқали таълимнинг самарадорлигини таъминлаш талаб этилади.

Шуни таъкидлаш зарурки, глобал маънавиятнинг салбий жиҳатларига қарши тура олиши мумкин бўлган омилларнинг ўзи ҳам бугун глобаллашув таъсири остида қолмоқда. Икки хил моҳиятга эга бўлган маънавиятнинг бир-бирига мос тушувчи плюралистик ва прогрессив жиҳатларини ривожлантириш орқали миллий маънавиятни ҳимоя қилиш ва уни жамият

[1]Писаренко В.И. Инновационное развитие образовательных систем как основа модернизации высшего образования.// Курск: Вестник философии и социологии Курского государственного университета. 2015. № 1. –С.112.

миллий эҳтиёжларини қондириш томон йўналтириш мумкин. Уларнинг устунлик мезони миллат ҳаётидаги аҳамияти, давлатимиз манфаатларига хизмат қилиши, жамият ва шахс ҳаётидаги роли, яратувчилик салоҳияти билан белгиланади. Масалага бундай ёндашув миллий маънавиятни сақлаб қолиш билан бирга, мамлакатни демократия ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидан ҳам узоқлаштирмайди.

Инсон омилининг самараси унинг салоҳиятини тўғри йўналтиришга боғлиқ. Ёшлар орасидан талантли, билимга олишга интилувчи, интеллектуал ва маданий-маънавий салоҳиятли, фаол етакчиларни излаб топиш ва тарбиялаш, уларнинг атрофида ислоҳотларни ва инновацион жараёнларни амалга оширувчи ядросини, яъни креативлик, яратувчилик, ташаббускорлик, ижодий ёндашувчанлик хислатларига эга бўлган замонавий миллий кадрларнинг янги авлодини шакллантириш ва тарбиялаб етиштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат қабул қилган қарорлар ва бошқа кўрсатмаларнинг муҳим ва долзарблигини, жамият эҳтиёжларига мос тушишини субъектлар томонидан тўғри англаб етиши, субъектив омилнинг фаоллигига таъсир этади ҳамда уларда масъулият ва дахлдорлик ҳиссини шакллантиради. Дахлдорлик эса ёшларда фаол ҳаётий позицияни, англанган эҳтиёжларни шакллантириш ва уларни миллий эҳтиёжларга мослаштириш ёшлар ҳаётининг яхшиланишига ва бу орқали Ватанимиз тараққиётига хизмат қилади.

Модернизация, маънавий янгиланиш, янги тафаккур ва замонавий дунёқарашни шакллантириш, миллат менталитетининг глобаллашувнинг замонавий чақириқларига мос равишда ўзгариб боришини талаб этади. Мазкур жараёнлар миллий ўзаклардан йироқлашмаслик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, гуманизм, миллатпарварлик каби қадриятларни тақозо этади. Бу ҳодисалар маънавият ва унинг тараққиёти билан боғлиқ. «Маънавият олий даражада аксиологик ҳодисадир. У бутун оламга тегишли қадриятларнинг хазинаси. ... маънавий трансформация ва тараққиёт йўлига қадам қўйган инсон олдида унинг ишларида, хатти-ҳаракатларида қўл келадиган ва оламга бўлган муносабатида ўзгача маънавий қадриятлардан баҳра олишдек имкониятлар очилади. ... Маънавият инсон мавжудлигининг ўзига хос ўлчови бўлиб, у ўзида инсон ҳаётининг моҳияти ва мазмунини мужассам этади»[1].

Миллий онгда ва онг остида мазкур маданиятнинг ўзигагина тегишли бўлган, ташқаридан келаётган ва маҳаллий маданиятга зид бўлган элементларни англаш, уларни танлаб олиб, «элакдан ўтказувчи фильтр» архетип яшайди. Бундай архетиплар оламни англашнинг ўзига хос эталонлари (миллий қадриятлар, анъаналар, менталитет) бўлиб хизмат қилади[2]. Ана шу архетип маҳаллий маданиятнинг моҳиятига, аниқроғи,

[1]Бокачев И.А. Духовность как высшая жизнеутверждающая ценность.//Известия Саратовского университета. Новая серия. Философия, Психология. Педагогика. - Саратов, 2015. Т.15. –С.12.
[2]Минюшев Ф.И. Социальная антропология. –Москва: Международный Университет Бизнеса и Управления. Братья Карич, 1997. –С.62.

кодига «маданият коди»[1] мос келувчи элементларни танлаб олиш, ёт бўлганларини суриб юбориш, мажбуран кириб қолганларини эса сиқиб чиқаришга ёрдам беради.

Жаҳон маданияти ва умуминсоний қадриятларини ўзлаштириш қобилиятига эга бўлган миллатлар ўз маънавиятини ҳам тараққий эттиришга қодирлар. Чунки улар жаҳон цивилизацияси ва маънавиятига ўзининг миллий маънавияти орқали алоқадор бўла олишлари ва унга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин. Ҳар қандай миллий маънавият ўзига хослигини англаш ва уни сақлай олиш орқалигина жаҳон маданиятлари сафидан жой олиш, уларни ўзга миллатлар маданиятига таққослаб кўриш ва ўрганиш ҳисобига ўзи ҳам ривожланиш ҳамда жаҳон маданияти ва цивилизацияси тизимига қўшилиш имкониятига эга бўлади.

Ўзбек миллий маданияти катта тарихий тажрибага эга. Бу ҳақда таниқли ўзбек адабиётшуноси О.Шарафиддинов шундай деган эди: «Шуниси қувонарлики, бу маданият ҳеч қачон миллий қобиғига ўралиб қолган эмас. У қадим-қадимдан умумбашарий қадриятлар билан узвий алоқада бўлиб, муттасил бойиб, такомиллашиб боргани учун нафақат ўзи шаклланган ҳудудда, балки жаҳон маданий майдонида ҳам муҳим ўрин тутади. Бу маданият ҳозирги кунга қадар Шарқнинг ранго-ранг цивилизация ютуқларидан баҳраманд бўлгани каби, Ғарб тамаддунининг ҳам энг яхши тажрибаларини ўзлаштириб, улардан фойдаланиб, ривожланиб келмоқда. Албатта, бу мутлақо табиий ва қонуний жараён»[2]. Жаҳон цивилизация тизими турли миллий маданиятларнинг синтези асосида вужудга келган, якка ҳолдаги миллий маданий ва маънавий хазиналарнинг қайтарилмас ва ўзига хос дурдоналаридан ташкил топган. Унинг замирида турли-туман миллий маънавий хусусиятлар бирлашиб, жаҳон цивилизациясини ташкил этади.

Глобал ва миллий маънавиятни уйғунлаштириш борасида глобаллашув, демократия ва маънавиятнинг мос келишини таъминловчи альтернатив йўлларни қидириб топиш мақсадга мувофиқдир. Миллий ва глобал маънавиятни уйғунлаштирган тарзда ривожланаётган давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам ўзига мос келувчи глобаллашув сценарийсини танлаши муҳим. Бундай сценарийлар мамлакатнинг манфаатлари, истиқболлари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда унинг ижтимоий–сиёсий ва маданий–маънавий мавқеини сақлаб қолиш ҳамда ижтимоий маконининг маънавий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бўлиши зарур. Ўзбекистоннинг келажаги кўп жиҳатдан унинг глобаллашув чақириқларига жавоби, ўзига хос тараққиёт моделини таклиф эта олиши ҳамда иқтисодий ва маънавий потенциалини тўғри реализация қила олишига боғлиқ. Иқтисодий глобаллашувнинг мотивация тизимида маънавий–ахлоқий элементларнинг етакчилик қилиши, бу жараёнда инсон омилининг бош мезон бўлиши маънавиятни глобаллашув хатарларидан сақлайди.

---

[1] Орлова Э.А. Концепция социокультурного пространства. –Москва, 2002. –С.53-54.
[2]Шарафиддинов О. Экология ва маданият. //Тафаккур. 2005. -№1.-Б.19-20.

Миллий маънавият замирида янгиликка интилувчи миллий қадриятлар, миллий маънавий онгга асосланган миллий ижодий куч - миллий ўзак абадий сақланиб қолади. Глобаллашув натижасида миллий маънавият якун топмайди, чунки глобаллашувнинг суръатлари жадал бўлса-да, ундан фарқ қилган ҳолда миллий маънавиятнинг бирлаштирувчилик ва яратувчилик салоҳияти кучли бўлиб, у маънавиятни ҳимоя этади.

ХУЛОСА

1.Глобаллашув - инсоният интеграциясининг объектив, қонуний ва зиддиятли босқичи. Жаҳон тарихига дахлдор субъектлар жамиятнинг глобаллашув жараёнида иштирок этадилар. Жамиятнинг демократлашуви унинг глобаллашув жараёнига қўшилишини тақозо этади. Тарихий даврнинг хусусиятлари глобаллашув айрим шаклларининг юзага келишига шароит яратган (иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, диний, илмий-технологик, маданий-маънавий, ахборот, коммуникатив, тил).

2. Глобаллашув цивилизациялар ўзаро муносабатининг натижаси бўлса, цивилизация - глобаллашувнинг натижаси. Бу икки улкан жараённинг ўзаро муносабати тарихий шароитдан келиб чиқиб,. «цивилизация-глобаллашув» ёки «глобаллашув-цивилизация» сифатида амалга ошган. Бу жараёнга тортилган миллатлар тез ривожланган.

3.Глобаллашув, бир томондан, миллий қадриятларнинг унификацияси, турмуш тарзининг модернизацияси ва шахснинг этник жамоадан йироқлашувига сабаб бўлса, иккинчи томондан, у миллий маънавият учун имкониятлар олиб келади. Миллий маънавият демократия, инновация таъсирида янгиланиб, потенциалининг ўсиши, эскирган элементларидан воз кечиши орқали глобал чақириқларига жавоб беради.

4.Глобал ва миллий маънавиятнинг ўзаро диалектик муносабати оламнинг ягоналиги ва турли-туманлиги контекстида қаралиши зарур. Глобал маънавият миллий маънавиятлар синтезига асосланади ва турли-туманликдан иборат бир хилликни ифодалайди. Миллий маънавият ўзини глобал маънавиятга дахлдорлиги орқали намоён этади.

5.Миллий маънавиятнинг моҳияти изчил, нисбатан консерватив ва барқарор, глобал маънавият нобарқарорлик, синергетик ва динамик хусусиятга эга. Миллий маънавият потенциали глобаллашувнинг салбий таъсирини чеклайди, унинг зарарли элементларидан ҳимоя қилувчи фильтр вазифасини ўтайди. Миллий ва глобал маънавиятнинг имкониятлари турлича: миллий маънавият глобаллашувнинг иқтисодий потенциалига мос тушмайди. Глобал маънавият инновацион имкониятлар ва улкан ахборот маконига эга.

6.Миллий маънавият глобаллашув шароитида потенциалининг янгиланиши ва глобаллашув имкониятларидан фойдаланиши ҳисобига тараққий этади. Маънавий янгиланиш маънавиятнинг глобаллашув чақириқларига жавоби ва ҳозирги шароитда яшай олишининг усули

ҳисобланади. Маънавий янгиланиш маънавиятнинг диалектик тараққиётини белгилаб беради.

7.Миллий маънавият глобаллашувнинг иқтисодий потенциалига мос тушмайди. Миллий ва глобал маънавиятнинг имкониятлари турлича. Глобал маънавият кенг имкониятлар ва улкан ахборот маконига эга. Миллий маънавиятнинг ўзига хослиги унинг бу маконга киришини қийинлаштиради.

8. Глобаллашув шароитида маънавиятнинг янги қоидалари шаклланади. Миллий маънавият ва глобаллашув олиб келаётган қадриятларнинг (инновацион фаолият, фаол ҳаётий позиция, ижодий ёндашув, танқидий тафаккур, креативлик ва ижтимоий шериклик) уйғунлаштириш асосида инсон омилининг ролини ошириш ва маънавий потенциалини намоён қилиши учун имкониятлар юзага келади.

9.Миллий маънавиятни мутлақлаштириш миллатнинг ажралиб қолиши, глобал маънавият ва унинг идеалларини мутлақлаштириш миллий маънавият унификациясига сабаб бўлиши мумкин. Маънавий янгиланиш воз кечиш ёки инкор этиш дегани эмас, у миллий маънавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш, ўзга халқларнинг прогрессив қадриятларини ўзлаштиришга қаратилган. Бу эса миллий ва глобал маънавият уйғунлигини таъминлайди.

10.Миллатнинг глобаллашув жараёнида ва маданиятлар диалогида фаол иштироки унинг натижаларидан фойдаланиши, миллий хусусиятлари, ресурслари ва потенциалининг сақланиб қолишига имкон яратади. Миллий маънавият жаҳон цивилизациясига ўзлигини англаши ва сақлаб қолиши орқали алоқадор бўла олади. Миллатнинг глобаллашувда иштироки унинг келажагини таъминлайди.

11.Ўзбекистоннинг дунё глобал ижтимоий-маданий маконида ўзини намоён эта олиши унинг глобаллашув жараёнларида объект эмас, субъект сифатидаги иштирокига боғлиқ. Мамлакатимиз учун глобаллашувнинг гуманизм ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланган бошқариладиган шакли муҳим бўлиб, у мамлакатнинг ички ва кўп вариантли ташқи сиёсати манфаатларига мос келади ва ижтимоий маконининг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

12..Глобаллашув шароитида миллий маънавиятни ҳимоя қилиш давлат ва маънавий элитанинг масъулияти ҳисобланади. Миллий ва глобал маънавиятни уйғунлашувига асосланган, глобаллашувнинг чақириқларига жавоб бера олиш ва имкониятларидан фойдаланиш потенциалига эга бўлган маънавий янгиланиш миллатнинг этностатусини сақлаб қолади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.01.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХУЖАМКУЛОВНА

ОСОБЕННОСТИ ДУХОВНОГО ОБНОВЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

09.00.04 – Социальная философия

АВТОРЕФЕРАТ
докторской (Dsc) диссертации по философским наукам

Ташкент – 2019

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.1.DSc/Fal32.

Докторская диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме), размещен на веб-странице Научного совета (www.fs-ik.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz.)

Научный руководитель: Бегматов Абдуллажон Сирожиддинович
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты: Туйчиев Бердикул Туракулович
доктор философских наук, профессор

Норкулов Дустмурод Тошпулатович
доктор философских наук, профессор

Алиев Бекдавлат Алиевич
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский институт химических технологий**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ____часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174,г. Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Здание факультета социальных наук Национального университета Узбекистана, 1-й этаж, кабинет 117. Тел.: (99891) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100174, г. Ташкент,ул. Университетская, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 2-й этаж, 4-кабинет. Тел.: (99891) 236-46-55; факс: (99891) 246-02-24.)

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2019 года).

И.Р. Хужамуродов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

Д.Э.Файзиходжаева
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат философских наук, доцент

Ж.С. Раматов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философских наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Атрибутом современного развития человечества является глобализация. В XXI веке глобализация выступает качественно новым этапом социальной интеграции. Сегодня мир является единой, величественной, постоянно меняющейся динамической глобальной системой и вне этой системы не остались ни одна страна или нация. Мировое сообщество в своем развитии еще не было настолько взаимосвязано и не стремилось к единству. Такая взаимосвязь, с одной стороны, создает широкие возможности для развития общества, с другой стороны, создает ряд проблем по сохранению независимости, исторических ценностей, культурно-духовной идентификации национальностей в результате вмещательства субъектов в данный объективный процесс.

В научно-философских исследованиях осуществляемых в мире, актуальными становятся анализы с философской точки зрения значения, тенденций глобализации, ее противоречивого влияния на социально-культурную жизнь национальностей. Поэтому повышается необходимость философского исследования жизни субъектов в условиях глобализации путем экономико-политического, культурно-духовного обновления общества взамен призывам глобализации, исследования путей, соответствующих национальным интересам при активном участии в глобализации.

Позиционирование Узбекистана в социально – культурном пространстве мира и в Центральной Азии предполагает его активное участие в процессах глобализации, модернизации, демократизации и инновации. Стратегическим путем развития нации и защиты ее интересов в условиях глобализации является социально - экономическое, политическое и духовное обновление общества. Процессы обновления предполагают разработки прогрессивных национальных механизмов присоединения к глобализации и прагматического использования ее возможностей с учетом современных потребностей и интересов, адаптации к динамике и тенденциям глобализации, а также реализации потенциала общества в борьбе против ее негативных последствий. Потребности общественного развития требуют гармонизации экономических реформ, национальных ценностей с инновационным развитием, духовной поддержки деятельности, направленной на создание материальных богатств. С этой точки зрения теоретическое и практическое значение имеет изучение обновления сферы духовности в условиях глобализации наряду с приоритетными сферами общества как экономическая и политическая.

Постановления Президента Республики Узбекистан ПП-4307 «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы», от 3 мая 2019 года, ПП-3160 «О повышении эффективности духовно-просветительских работ и поднятии на качественно новый уровень развития сферы», от 28 июля 2017 года, Указ Президента VII-

5106 «О повышении эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана», от 5 июля 2017 года, «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», Послания Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису в 2017 и в 2018 годах и другие нормативные документы определяют стратегические задачи, стоящие перед обществом. Данное диссертационное исследование может служить для реализации задач, поставленных в названных документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики: I. «Разработка научных основ дальнейшего углубления демократических реформ, формирования гражданского общества, модернизации и либерализации национальной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации[1].

Научные исследования определенных сторон вопросов динамики и тенденций глобализации, ее влияния на сферы культуры и духовности, экономического и политического управления глобализирующегося мира ведутся такими ведущими научными центрами и университетами, как Club of Rome (Италия), Councel of Foreign Relations - CFO (США), Bilderberg club - BC (США), Trilateral Commission – TC (США), English Reynsian School (Англия), Independent Center for Globalization Studies (США), Center of Globalization and Strategy (США), Association internationale pour la Pensee Complex (Франция), Center globalization Copenhagen institute for Futurre Studies (Дания), Internationale Forum of Globalization, Internationale laboratory of Political demography and macrosociology (Россия), Институт исследования современных глобальных проблем (Россия), Институт стабильного развития (Россия), Лаборатория мониторинга рисков социально-политической дестабилизации (Россия), Центр исследования интеграции социально-культурного сотрудничества и глобализации (Белоруссия).

В результате исследований, осуществляемых в мире по темам динамики, тенденций и философии глобализации, ее влияния на культурное и духовное развитие, трансформации ценностей в условиях глобализации, получены следующие результаты: обоснованы прогнозы в контексте глобализации культурных особенностей общества XXI века Center globalization Copenhagen institute for Futurre Studies (Дания); разработаны мондиалистические теории культурной глобализации (против искусственной глобализации и стремящейся к сохранению традиционности и своеобразия). Bilderberg club - BC (США); модель глобализации США в качестве демократической модели, к которой стремятся все государства, объясняется

[1]https://www.bilderbergmeetings.org/; https://www.cfr.org/; http://trilateral.org/; https://www.globalresearch.ca/; http://www.ras.ru/; https://www.msu.ru/; https://piie.com/about-piie; https://www.cfr.org/ ru/youthink/globalization.shtm; https://www.socionauki.ru /journal/articles/130854; https://www.uz.undp.org; https://www.pjie.com/vicrosites/globalization/what-is-globalization.html; https://www.blomberg.com/graphics/2019-globalization/.

на примере США (Trilateral Commission – TC, США); диалог культур и цивилизаций, трансформация ценностей в условиях глобализации (изменение национальных ценностей, сближение различных культур) (Московский государственный университет, Центр научных исследований факультета глобалистики и ЮНЕСКО, кафедра “Философии и диалога культур”, Россия); прогнозирование развития национальных ценностей и традиций в условиях культурной и региональной глобализации, в результате социально-культурной интеграции (Центр исследования интеграции социально-культурного сотрудничества и глобализации, Белоруссия); анализ динамики и тенденций современных глобальных процессов (Чумаков А.Н., Россия); теоретическая разработка вопросов взаимовлияния глобализации и цивилизации (школа Василенко И.А., Россия); вопросы влияния глобализации на духовное развитие личности (Общество антропологии, Узбекистан).

По значению глобализации, тенденциям социально-культурного и духовного развития в условиях глобализации в мире ведутся исследования по следующим приоритетным направлениям: современные формы глобализации и их изменения (экономическая, геополитическая, культурная, духовно-нравственная, научно-технологическая, коммуникативная, информационная и языковая), тенденции культурной и духовной глобализации, динамика региональной интеграции, диалог культур и цивилизаций, изменение личностных качеств в условиях культурной глобализации, трансформация национальных ценностей (рационализация и осовременивание национальных ценностей, уменьшение национальных свойств), глобальная информация и коммуникация, борьба против глобальной опасности.

Степень изученности проблемы. Первые представления о всеобщей взаимосвязи и единой целостности жизни человечества отразились еще в философских учениях древних греков. В идеях Гераклита о подчиняющемся объективным закономерностям и постоянно движущемся, как огонь, едином мире, во взглядах древнегреческого историка, автора «Общей истории» Полибийя о едином и всеобщем историческом процессе появились первые идеи о процессе глобализации. С возникновением мировых религий сформировались общечеловеческие нравственные принципы, которые создали благоприятные условия для осознания глобальности.

В эпоху Восточного Ренессанса идеи Авиценны о единичном, которое предполагает взаимосвязь ума, души и предметов, теория Ибн аль Араби о едином мире, учение Ибн Баджи о достижении человеком счастья с помощью объединения на основе всеобщего ума и другие идеи отражают логичность единства и общности мировой истории, на основе которой отражаются единство жизни людей, образа жизни и культуры. Ибн Халдун связывает историю и ее закономерности с цивилизацией. Цивилизация – процесс деятельности людей и поколений. По его мнению, история является неравномерным процессом, который отражается на смене поколений и

цивилизаций. Они коренным образом меняют жизнь людей и их образ жизни. Цивилизации отличаются уровнем совершенства[1].

В эпоху Западного Ренессанса в произведениях французского теоретика Жана Бодена «Разговор семерых», «Семь книг о Республике» были выдвинуты идеи о суверенитете, частной собственности и разнообразии народов. Томас Мор в “Утопии”, Томмазо Кампанелла в знаменитом произведении «Город солнца» писали о единой истории, об общем развитии человечества в результате его интеграции. Немецкий мыслитель Гегель создал философское учение истории на основе логической триады (тезис – антитезис – синтез), объяснил историю в качестве всеобщей истории.

В философском произведении О.Шпенглера «Закат Европы» и А.Тойнби «Исследование истории», единая история рассматривается как смена цивилизаций. По мнению немецкого философа Карла Ясперса, различные народы и страны имеют отдельную историю. По той причине, источники, происхождение и цели человечества являются общими, его история тоже проявляется как всеобщая история.

Проблема глобализации проанализирована первым Президентом Республики Узбекистан И.А.Каримовым в произведении «Высокая духовность – непобедимая сила», в контексте духовности, идеологии, воспитания молодежи, осознанинии национального самосознания, защиты национальной духовности. Глобализация и ее особенности также проанализированы в исследованиях ученых Узбекистана: М.Абдуллаевой, А.Бегматова, Г.Махмудовой, С.Отамуратова, Б.Тўйчиева, Б.Умарова, Н.Шермухамедовой. Вопросы духовности, духовных ценностей в условиях глобализации, особенности духовного обновления были исследованы известными учеными Т.Махмудовым, Ж.Туленовым, С.Шермухамедовым, А.Хафизовым, И.Хужамуродовым, И.Эргашевым, Э.Юсуповым и другими. В настоящее время проблемы духовного обновления и различные аспекты данного процесса исследуются Б.Алиевым, С.Бердикуловым, Д.Норкуловым, А.Умаровым,Э.Иззетовой, С.Мамашакировым, Ш.Мадаевой, А.Мухторовым, Қ.Назаровым, М.Нурматовой, Ж.Раматовым, И.Соифназаровым, К.Туленовой, А.Эркаевым, М.Каххоровой, А.Кадыровым, Х.Хайдаровым и другими[2].

В частности, в работах профессора С.Отамуратова рассмотрены проблемы взаимосвязи глобализации и нации, национального самосознания, духовности, А.Бегматова - развитие духовности и духовное воспитание в условиях глобализации, А.Эркаева - закономерности развития духовности; А.Кадырова особенности модернизации, З.Кадыровой - толерантность в условиях глобализации, Н.Шермухамедовой научно-методологические

[1] Очерки истории арабской культуры У-ХУ вв. Главная редакция восточной литературы. -Москва: Наука, 1982.–С.323.

[2]Название научных работ данных авторов приведены в списке литературы диссертации.

аспекты глобализации, Б.Умарова - противоречия глобализации, У Саидова - диалог Востока и Запада в условиях глобализации[1].

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.

